

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O`RTA MAXSUS TA`LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

FILOLOGIYA FAKULTETI

O`ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGI KAFEDRASI

Qo`lyozma huquqida

UDK

BITIRUVCHI KURS MAGISTRANTI

BOZOROVA GULMIRA ZAYNIDDINOVNAning

**« ZAMONAVIY SHE`RIYATDA ARUZ ASOSLARINING
YANGILANISHI»**

mavzusidagi

*5A 120101 – Adabiyotshunoslik (o`zbek adabiyoti) yo`nalishida magistr
akademik darajasini olish uchun yozgan*

MAGISTRLIK DISSERTATSIYASI

(2016-2017- o`quv yili)

Ilmiy rahbar

filologiya fanlari doktori, prof.

O`rayeva D.S.

Buxoro – 2017

ZAMONAVIY SHE'RIYATDA ARUZ ASOSLARINING YANGILANISHI

(Renewing) Modernizing bases of (measure) aruz in modern poetry

REJA:

1. G`azallarda yangi so`zlarning qo`llanishi, fonetik o`zgarishlarga olib kelgani.
2. Aruzda yaratiladigan janrlarning saqlanishi va ularda kuzatiladigan yangicha o`zgarishlar.
3. Qofiya tuzilishi va vazn bog`liqligi.

KIRISH

Mavzuning dolzarbligi. O`zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin yangi tarixiy sharoitda ma'naviy merosimiz durdonalarini chuqurroq o`rganish imkoniyati kuchaydi. Mustaqillik sharofati hamda ilm-fan sohasida erishilayotgan yutuqlar yanada yangidan-yangi zafarlarni qo`lga kiritish sari ilhomlantirmoqda.

Bu zaminda yetishgan alloma shoirlar va buyuk mutafakkirlarning o`zbek she'riyati va adabiy-falsafiy tafakkurini naqadar baland pog'onaga ko`targan asarlarini har tomonlama chuqur o`rganishga, madaniy-ma'naviy merosimizni asrab-avaylash, uni kelajak avlodga bekam-u ko`st yetkazish uchun keng yo`l ochildi.

Ijtimoiy va ma'naviy hayotimizda ro'y berayotgan o`zgarishlar hozirgi kunda butun adabiyotimiz tarixini boshqacha nigoh bilan tahlil etishni, uning ko`p jihatlarini qayta ko`rib chiqishni taqozo qilmoqda. Xususan, o`zbek adiblarining she'riyat, madaniyat va adabiyot uchun qilgan xizmatlari hamda ularning insonparvarlik, ma`rifatparvarlik tuyg`ularini targ`ib etuvchi asarlari ma'naviyatimiz va madaniyatimizning taraqqiyot yo`llarini aniqlash borasida muhim ahamiyat kasb etadiki, ularni istiqlol mafkurasi asosida yanada chuqurroq o`rganishga to`g`ri keladi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov aytganlaridek: "Tarixiy tajriba, an`analarning meros bo`lib o`tishi – bularning barchasi yangidan-yangi avlodlarni tarbiyalaydigan qadriyatlarga aylanib qolmog`i lozim".

Oltin merosimiz hisoblanmish mumtoz she'riyat, ayniqsa, aruz vazni yo`qolib ketishining oldini olish, bu she'riy vaznning nozik qirralari bugungi shoirlamiz ijod namunalari orqali o`zining bor bo'y-bastini ko`rsatayotganini jamoatchilikka ma'lum qilish, zamonaviy aruz namunalari mumtoz, an`anaviy aruz namunalari bilan bir qatorda turishga loyiq ekanligini ochib berish ayni paytdagi yangicha qarashning talab va ehtiyojlaridandir. Ana shu talab va ehtiyoj natijasi o`laroq keyingi yillarda mumtoz she'riyat an`analarning zamonaviy she'riyatda davom ettirilishiga xos xususiyatlarni o`rganishga qiziqish bir qadar

kuchayganligini ta'kidlash lozim. Binobarin, keyingi yillar o'zbek she'riyatida mumtoz adabiyot, xususan, aruz vazni an'analarining davom etishi muammosini tadqiq etish adabiyotshunosligimiz oldida turgan dolzarb vazifalaridan biridir. Zero, aruzning nazariy asoslarini (vazn, qofiya va badiiyat) keyingi yillarda yaratilayotgan she'riy asarlar asosida ko'rib chiqish kerak. Shunda bahsga sabab savollarga javob topish bilan birgalikda, hozirgi g'azalchilik, muxammasnavislik, ruboiychilik, tuyuqnavislik misolida hozirgi zamon o'zbek she'riyatidagi aruzning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash va uning keyingi taraqqiyotini belgilash imkoniyati tug'iladi. Ayni shu narsa mazkur dissertatsiyaning dolzarbligini belgilab beradi.

Mavzuning o'rganilish darajasi. Istiqlol davri she'riyatida aruz she'riy tizimi asosida g'azal va boshqa janrlarda ijod etishga qiziqish bir qadar ortdi. Chunki ungacha aruzda ijod qilish masalasi deyarli orqa planga o'tib qolgan edi. Sababi, sho'rolar hukmronligi yillarida aruzga nigilistik munosabat kuchli edi. Aruz kerakmi, yo'qmi? Undan voz kechish kerakmi? qabilidagi savollar aruzda ijod qilishni biroz cheklab, shoirlarni birmuncha cho'chitib qo'ygandi. Lekin o'sha davrlarda ham aruzni himoya qiluvchilar ko'pchilik edi. Chunki XX asrda aruz she'riy tizimi tadqiqiga bag'ishlangan bir qator ilmiy asarlar, monografiya va dissertatsiyalar maydonga kelgani buni yorqin dalilay oladi, albatta. Bu borada rus olimlari Y.E.Bertels, M.Stebleva, tojik adabiyotshunoslari Bahrom Sirius va M.Zehniy hamda o'zbek olimlaridan Abdurauf Fitrat, U.To'ychiyev, S.Hasanov, A.Hojiahmedov nomlarini alohida qayd etish lozim. Bu olimlardan ayrimlari (M.Stebleva, S.Hasanov) alohida manbalarni tadqiq etish orqali, ayrimlari esa aruz she'riy vaznlar tizimini yaxlit o'rganish asosida (Fitrat, Bahrom Sirius, U.To'ychiyev, A.Hojiahmedov) o'z tadqiqotlarini yaratishdi.

Bu borada, ayniqsa, U.To'ychiyev va A.Hojiahmedovning ishlarini alohida ta'kidlab o'tish lozim. Jumladan, U.To'ychiyevning "O'zbek poeziyasida aruz sistemasi" monografiyasi aruzning nazariy asoslari hamda turkiy she'riyatdagi tadrijiy taraqqiyotini o'rganishda qimmatli manba bo'lsa, A.Hojiahmedovning "O'rta maktabda aruzni o'rganish", "O'zbek aruzi lug'ati" kabi qator kitoblari

aruzni o`rganish va o`rgatish uslubiyati uchun hozirda birlamchi manbalar sanaladi.

Zamonaviy aruz haqida Fitratning “Aruz” risolasida, Saidjon Aliyev, Ummat To`ychiyev, Anvar Hojiahmedov, Hamidulla Boltaboyev, Ulug`bek Hamdam, Valijon Qodirov, Mirzaahmad Olimov, Nodira Afoqova, Dilrabo Quvvatova, Laylo Sharipovalarning ilmiy izlanishlarida qimmatli mulohazalar ilgari surilganiga guvoh bo`lishimiz mumkin.

Malakaviy bitiruv ishining maqsadi va vazifalari.Zamonaviy she`riyatda aruz an`analarining davom etirilishi hamda bu borada shoirlarning badiiy mahorati, aruz vaznidan foydalanishidagi o`ziga xosliklari, ular ijodida aruzning yangicha jilolarini aniqlash mazkur malakaviy bitiruv ishining asosiy maqsadini tashkil etadi. Bu maqsadni amalga oshirish uchun esa quyidagi vazifalar hal etiladi:

- zamonaviy shoirlar ijodi misolida aruz ichidagi yangiliklar va o`ziga xosliklarni aniqlash;
- zamonaviy aruz namunasi bo`lgan asarlaning shakl va janr xususiyatlarini tadqiq etish;
- aruzdagi asarlarda qofiyaning o`ziga xos xususiyatlarini ko`rsatib berish;
- aruzning mustaqil she`riy tizim sifatidagi o`ziga xos xususiyatlarini ilmiy tadqiq etish asosida zamonaviy she`riyatning shakllanishini asoslash, taraqqiyot tamoyillarini belgilash va h.k.

Malakaviy bitiruv ishining manbalari. Ishni yozishda E.Vohidovning “Muhabbatnoma” va “Sadoqatnoma” nomli saylanmalariga kirgan g`azallaridan, Abdulla Oripovning bir qator she`rlari, shuningdek, Sirojiddin Sayyid, Jumaniyoz Jabborov, Muhammad Ali, Shavkat Rahmon, Ikrom Otamurod, Eshqobil Shukur, Asqar Mahkam, buxorolik shoirlar G`ulom Shomurod, Sadriddin Salim Buxoriy, Mirzaahmad Olimov, Zikrilla Ne`matlarning turli ijod namunalariidan tadqiqot obyektini sifatida foydalanildi.

Shu bilan birga, aruz vazni, badiiy san`atlar, qofiya haqidagi nazariy ma`lumotlarni keltirish uchun Alisher Navoiy, Bobur, Abdurauf Fitrat, Saidjon

Aliyev, Anvar Hojiahmedov, Ummat To`ychiyev kabi mumtoz va zamonaviy olimlarning asarlaridan foydalanildi.

Malakaviy bitiruv ishining nazariy va amaliy ahamiyati. Ushbu malakaviy bitiruv ishining asosiy tahliliy xulosalari o`zbek she`riyatida aruz vaznining taraqqiyot bosqichlarini aniqlashda, uning shaklan va mazmunan boyib borishini belgilashda muayyan nazariy ahamiyat kasb etadi. Ishning xulosalari va natijalaridan oliy o`quv yurtlarining filologiya fakultetlarida mumtoz va hozirgi adabiyot an`analari bo`yicha ma`ruzalar o`tishda, akademik litsey va kollejlarda aruz ilmini o`rganishga bag`ishlangan dars mashg`ulotlarini olib borishda, she`riy vaznlar taraqqiyoti yuzasidan maxsus kurslar o`tishda, o`zbek she`riyati bo`yicha o`quv qo`llanmalari yaratishda keng foydalanish mumkin.

Malakaviy bitiruv ishining tuzilishi. Ish kirish, uch asosiy bob, xulosa va foydalanilgan adabiyotlar ro`yxatidan tashkil topgan. Uning hajmi sahifani tashkil etadi.

«Xalqning ma'naviyati va madaniyati, uning haqiqiy tarixi va o'ziga xosligi qayta tiklanayotganligi jamiyatimizni yangilash va taraqqiy ettirish yo'lidan muvaffaqiyatli ravishda olg'a siljitishda hal qiluvchi, ta'bir joiz bo'lsa, belgilovchi ahamiyatga egadir», - degan edi I.A.Karimov.

Bezavol ma'naviyatimizning barkamol xazinalaridan birini ming yillik tarixga ega bo'lgan mumtoz she'riyatimiz tashkil qiladi. Asrlar mobaynida xalqimiz diliga olijanob umumbashariy g'oyalarni jo qilib, uning ma'naviy-madaniy ravnaqiga xizmat qilib kelgan ana shu bebaho xazina mamlakatimiz uzra istiqloq quyoshi porlagan hozirgi kunlarda ham mustaqillik mafkurasi va axloqini shakllantirishda madad bermoqda, O'zbekiston ahlini insonparvarlik, xalqparvarlik, xalqlar do'stligi, ma'rifatparvarlik, ezgu insoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda ta'sirchan vositavazifasini bajarmoqda.

Mumtoz she'riyatimizga xos yuksak g'oyaviylik va yetuk badiiyatdan atroflicha bahramand bo'lmoq, har bir ijodkor qalamining badiiy salohiyatini anglab yetmoq, she'rlarga xos nafis ohanglarni his etmoq uchun ushbu bezavol obidalarga asos bo'lgan aruz she'riy tizimining qonun-qoidalari va amaliy xususiyatlaridan atroflicha xabardor bo'lmoqlikni talab qiladi.

Aruz barmoq va erkin vaznga nisbatan ancha murakkab, shu bilan birga, mukammal she'riy tizimdir. Ushbu o'lchovda bitilgan asarlarni ifodali o'qish uchun ham aruz tizimi asoslari, uning xilma-xil vaznlari, ularning ruknlari va chizmalari, o'ta cho'ziq hijolar, vasl hodisasi, imola, tag'yir, azl kabi holatlarni anglab yetmoq zarur.

Inqilobdan keyingi davrda ham aruzshunoslik muayyan ma'noda taraqqiy etdi. Fitrat qalamiga mansub «Aruz haqida» risolasi nashrdan chiqarildi. Olim unda aruz qoidalarini soddalashtirib bayon qildi. She'riyatda eng ko'p ishlatiladigan vaznlarni tilga olib ularga milliy adabiyotdan misollar keltirdi.

Adabiyotshunos Sodiq Mirzayev «Navoiy aruzi» mavzusida nomzodlik dissertatsiyasini yoqladi.

O'zbek aruzining nazariy masalalari taniqli olim akademik Alibek Rustamovning «Aruz haqida suhbatlar» risolasida ham o'z aksini topdi. Tadqiqotda Fitrat an'analari yana-da chuqurlashtiriladi.

Keyingi yillarda adabiyotshunos olim Ummat To`ychiyev ham aruzga oid izlanishlar olib bordi. Uning «O`zbek poeziyasida aruz she`riy sistemasi» nomidagi monografiyasi ushbu izlanishlar samarasidir.

Aruz she`riy tizimini keng kitobxonlar ommasida keng targ`ib va tashviq qilish, xalq ta`limi tizimi va oliy o`quv yurtlarida o`rganish ishlari tobora yaxshilanayotganligi quvonarli holdir. Bu borada taniqli adabiyotshunos olim A. Hojiahmedovning xizmatlari diqqatga sazovordir. Bugungi kunda aruz ixlosmandlari va talabalar qo`lida ushbu muallifning aruz nazariyasi va amaliyotiga bag`ishlangan o`nlab risolalari mavjuddir.

Shuni alohida ta`kidlash joizki, o`zbek aruzining o`ziga xos jihatlari mavjud bo`lib, aruzni o`rganish jarayonida ularga alohida diqqat bilan qarashga to`g`ri keladi. Bu quyidagilardir:

1. O`zbek aruzida mavjud **19** bahrdan **11** tasigina ishlatiladi. Ular hazaj, rajaz, ramal, munsarih, muzore`, mujtass, hafif, sari`, mutaqorib, mutadorik, va komil bahrlaridir. Arab poeziyasiga xos vofir, tavil, madid, basit, qarib, mushokil, g`arib, muqtazab bahrlari o`zbek aruzida ishlatilmaydi.

2. O`zbek aruzida qo`llaniladigan bahrlarning o`zbek tili xususiyatlari bilan belgilanadigan mahrlar doirasi mavjud. Binobarin, she`riyatimizda ishlatiladigan vaznlar soni va turlari jihatidan arab va fors she`riyatidagi vaznlardan farqlanishi mumkin.

3. O`zgarishlarning barchasi ham o`zbek aruziga mos kelavermaydi. Shuninguchun arab va fors-tojik aruziga xos jami 44 xil o`zgarishning 23 turigina istifod qilindi.

Aruz nazariyasiga oid monografiya va risolalarning aksariyatida arab va fors-tojik she`riyatlariga xos jami 19 bahr, 200 dan ziyod vaznlar o`rganiladi. Ammo o`zbek aruzi uchun xos bo`lmagan qonun-qoidalar, bahrlar, o`zgarishlar, vaznlarni o`zlashtirish ortiqcha vaqt sarflashdan boshqa narsa emas.

Topdimi bilimam, asrlar dashtida ovora el,

Toki haq birlan adolat istagidir barhayot.

(N.Afoqova “Nizomiddin Alisher barhayot” 18-bet)

“Nizomiddin Alisher barhayot” nomli ushbu g`azal ramal bahrida yozilgan bo`lib, ikkinchi misrada *bilan* o`rnida foilotun takrori talabidan kelib chiqib, shoira *birlan* shaklini qo`llaydi.

Nadur shoir, nadur shoirlik, ey do`stlar, nadur ilhom?

Agar rutba, vagar qismat, vagar darddur va yo payg`om?

(E.Vohidovga bag`ishlangan 22-bet)

Erkin Vohidovga bag`ishlov tarzida bitilgan bu she`rda ham shoira vazn talabi bilan bir nechta so`zlarni o`zgartirgan shaklda qo`llaydi. Bugungi til qoidalariga binoan *nimadir* shaklida qo`llanuvchi so`roq so`zni *nadur* tarzida ifodalagan bo`lsa, *va agar* so`zlarida bir unlini tushirib qoldirish natijasida so`zni *vagar* shaklida qo`llab, hazaji musammani solim vaznida ajoyib bir g`azalni yaratdi.

Toleying deb yig`lab o`tganlar ruhi shod o`ldi, chun

Har tuning qadr o`ldi, har kun Navro`zingdan aylanay.

(N.Afoqova “Ey Vatan” 5-bet)

Buyuk Ipak yo`lida goh yoyib sarvat,

Guhar bo`ldi somon ichra bu hur mulkat.

(Oydin Hojiyeva “Buxoro taronasi” 393-bet)

Shoira Oydin Hojiyeva qalamiga mansub “Buxoro taronasi” nomli qasidasida ham so`zlarning fonetik o`zgarishga uchraganiga guvoh bo`lishimiz mumkin. Ikkinchi misrada qo`llanilgan *guhar* so`zi *gavhar* so`zining vazn talabidan kelib chiqib qo`llanilgan shaklidir. Chunki bu qasida hazaji musaddasi solim vaznida yozilgan bo`lib, V - - - (qisqa, cho`ziq, cho`ziq, cho`ziq) hijolaridan tashkil topgan. Agar shoira

ikkinchi misrada soʻzni gavhar shaklida qoʻllaydigan boʻlsa, vaznning hijolar tartibi butunlay oʻzgarib ketardi. Soʻzning *Guhar* shaklibir qisqa, bir choʻziq hijo(V -)dan tashkil topgan. *Gavhar* esa ikki choʻziq hijo(- -)lidir. Shuningdek, ikkinchi misra soʻngida qoʻllanilgan *mulkat* soʻzi ham *mamlakat* soʻzining fonetik oʻzgarishga uchragan koʻrinishidir. Bu shakl ham vazn talabidan kelib chiqib tanlangan.

Бадий-эстетик тафаккурдаги жиддий сифат ўзгаришларини, маънавий-интеллектуал янгилашиш белгиларини барча адабий тур ва жанрларда яратилган асарларда кузатиш мумкин. Бу, айниқса, шеърий жанрларда ёрқин намоён бўлмоқда. Унда замондошимиз қалбида кечаётган ҳис-туйғуларни акс эттириш баробарида, шеърият жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мустақилликка шукроналик, келажакка ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик даври ўзбек шеърияти ўзбек мумтоз ва XX аср ўзбек адабиётининг ворисий давоми сифатида ривожланди ва такомил топди. Буни бевосита шеърий жанрлар тараққиётида кузатиш мумкин. Давр шеъриятида шоирларимиз мумтоз лирик жанрлар: ғазал, рубоий, мухаммас, қасида сингари жанрларда самарали ижод қилиб, замондошларимизнинг ўй-кечинмаларини, турли ҳаётий мавзуларни бадий ифодалашга эришдилар.

Давр шеъриятида юз кўрсатган мумтоз жанрлардан бири ғазалдир. Ғазал кўҳна ва ҳамиша навқирон жанрдир. Адабиётимиз тарихининг барча босқичларида, жумладан, XX асрда мазкур жанр тараққиёти тўхтаб қолгани йўқ. Одам Атодан қолган севги янглиғ шеъриятимиз қонига сингиб бормоқда. Бу фикрларни бежизга келтираётганимиз йўқ. Таҳлил этаётганимиз истиқлол даври шеъриятида ғазал жанридаги асарлар муҳим ўрин эгаллайди. Э.Воҳидов, Ж.Камол, С.Саййид сингари таникли шоирлар ижоди мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Ғазал сўзи арабча аёлларга бўлган муҳаббат сўзидан олинган. Шунинг учун ғазал жанрида ишқ муҳаббат мавзуи етакчилик қилади. Бироқ ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса ҳам, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгая борган. Натижада ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ҳамда хажвий ғазаллар вужудга кела бошлаган. Алишер Навоий, Турди, Махмур, Муқимий, Эркин Воҳидов каби мумтоз ва замонавий шоирлар ижодида ишқ, вафо ва садоқат тараннум этилган ғазаллардан тортиб, жамиятдаги айрим шахслардаги ярамас иллатларни фош қилувчи, ижтимоий ҳаёт муаммоларини илгари сурувчи ғазалларгача учрайди. Шундай бўлса-да, ғазалда ишқ, вафо ва садоқат ҳақидаги мунаввар ва муборак ғоялар ҳамиша порлаб туради.

Эркин Воҳидов ҳам романтик ҳаёллар оғушида ишқий ғазаллар битди, кўнгил завқини, севги ва бахт нашидасини, турмушдан шукроналик, розилигини тўлиб-тошиб куйлади. Унинг ижодида ҳаёт мадҳи, севги сурури, фахр-ифтихор туйғуси етакчилик қилади. Бундай кайфият, хусусан, шоирнинг “Ёшлик” девонида ёрқин кўринади. Шоирнинг ўзи буни шундай изоҳлайди: “Биз реалистлармиз, бироқ романтик кайфият реалистлар учун ёт эмас. Аруз, хусусан, ғазал шахсан менга романтик кайфиятларни ифода этиш учун жуда қулай восита. Романтик кайфиятда, табиийки, киши заминдан жиндай юқорироқ кўтарилади, образли қилиб сўзлашга, баландроқ пардаларда куйлашга мойилроқ бўлади. Эҳтимол, ғазалда кўтаринки традицион (анъанавий) образларнинг ўз-ўзидан қалашиб келиши шундадир”.

Эркин Воҳидовнинг “Самарқанд” номли ғазалида кўхна шаҳар тарихи лирик талқин қилинган. Шу орқали шоир ўзининг Ватанга муҳаббат ғоялари билан суғорилган лирик кечинмаларини ифода этади. У Самарқанд шахрининг мовий гумбазларини кўздан кечираркан, кўнгли ҳаёлларнинг оташин гирдобидида қолиб, бу саройларининг ғишти мазлум элнинг кўз ёши билан хокидан бунёдга келганлигини хотирга келтиради. У шу заминда яшаб ўтган Мирзо Улуғбекни ёдга олади.

Эркин Воҳидов ғазалиётида табиат, жамият, Ватан, комил инсон, маънавият, ахлоқ мавзулари чуқур бадиий таҳлил этилади.

Шоирнинг “Кўзинг” радибли ғазалида инсоннинг инсонга самимий ва пок муҳаббати тараннум этилган. Унда инсоннинг илоҳий гўзаллиги шундай ифода этилган:

Кўзларинг юлдузми, йўқ,

Юлдуз эрур ҳар учқуни,

Қорачиғ куйган қуёш-у

Мовий осмондир кўзинг.1

Бунда анъанавий ташбеҳлар замонавий оҳангларда китобхонга етказилади. Бинобарин, кўзнинг юлдузга ўхшатилиши мумтоз шеърят учун анъанавийдир. Шоир анъанани ижодий давом эттиради. Яъни ташбеҳ санъати асосида кўзни юлдузга қиёс этади, яна уни инкор этиб, кўз нуруни юлдузга менгзади. Ёхуд қорачиғни куйган қуёшга, кўзни ёруғлик таратиш хусусиятини ҳисобга олиб, мовий осмонга ўхшатади. Эътибор берилса, шоир анъанавийлик асосида ноанъанавий, янгича ташбеҳларни яратади. У кўзнинг ичидаги ҳар бир аъзонинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларга мутаносиб мушаббихларни танлай олган. Натижада маъшуқанинг кўзи ҳақида яхлит тасаввур уйғотувчи бадиий манзара вужудга келган.

“Севги келса” ғазали анъанавий ишқ мавзусидадир:

Севги келса қадди ё ҳам ёш бўлур,

Севгисиз жонона ҳайкалтош бўлур.

Севги фаслида тикандан гул унар,

Севги кўйида шамол фаррош бўлур.¹

Бу ғазалда шоирнинг ташбеҳлари оҳорли. Муҳаббат шундай туйғуки, у кўнгилда барқ урса, ҳатто “қадди ё”, яъни кекса қалб ҳам ёшаради, демоқчи бўлади шоир. Байтнинг иккинчи мисраси Нодиранинг “Муҳаббатсиз киши одам эмасдур” сатрларини ёдга солади. Шоир севгисиз жононани ҳайкалтошга қиёс этмоқда.

Кейинги байтда бу фикр ривожланиб боради. Юқорида таъкидлаганимиздай, севги фасли шундай даврки, унда ҳатто тикандан гул унади. Иккинчи мисра шоирнинг бадиий топилмасидир. Яъни севги кўйида шамол фаррошга айланади. Зеро, фаррош тимсоли рамзий мазмун ташимоқда.

Чин муҳаббат минг жафога дош берар,

Лек хиёнатга у бебардош бўлур.

Шоир айтмоқчи, чин муҳаббат минг бир жафога дош бера олади. Лекин у хиёнат билан келишолмайди. Мазкур ғазал рамали мусаддаси маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида битилган.

“Муҳаббат бирла” ғазалида ишқ тушунчасининг фалсафий талқинига дуч келамиз. Шоир бу ғазалида муҳаббатга муносабат билдирар экан, муҳаббат билан чекилган ғурбат роҳатга тенглигини, муҳаббатсиз ишрат эса кулфатга баробарлигини бадиий ифода этади. Бемуҳаббат нусратни ҳасратга тенг кўради. Муҳаббат оташини дўзахга эмас, қайтага жаннат лаззатига баробар кўяди. Шоир ишқ аҳлига шундай мурожаат билан ғазални яқунлайди:

Кечиб кўй, ошиқ ўлгач,

¹Воҳидов Э. Умрим дарёси. Сайланма. Учинчи жилд. –Тошкент: “Шарқ”, 2001, 45-б.(Кейинги парчалар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади)

Икки олам мулкидан, Эркин.

Муҳаббат ичра барча –

Заҳматинг давлат билан тенгдир. (351-б.)

Хуллас, шоир ғазалларида ишқу ҳажрнинг оламга ва одамзодга азалий мерос эканлиги, бизга фидойлик Фарҳоддан, жунун эса Мажнундан ўтганлиги, севгининг мунаввар офтоб каби инсон қалбини ва ҳаёт йўлини ёритиши, илиқлик бахш этиши эътироф этилади.

Демак, Э.Воҳидов ғазалчиликда Алишер Навоий шеъриятига ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан эргашган. Шоирнинг ўзига хослиги шундаки, у мумтоз жанрдаги асарларга замонавий руҳ олиб кирди.

Шоир шеъриятида ижтимоий мазмундаги ғазаллар ҳам мавжуд. Жумладан, “Бу замон ғазали” деб номланган ғазал бу жиҳатдан эътиборли:

Тиллашибдир бўри бирла тозилар,

Бирлашибдир ўғри бирла қозилар.(91)

Эътибор берилса, ғазалда бугунги ҳаётимиздаги нохуш ҳолатлар, маънавий бузилишлар акс этган. Шоир бўри, тозилар дер экан, инсон киефасидаги айрим ноқис кимсаларга ишора қилади.

Биз чунон хизматга белни боғладик,

Борми ҳиммат ўлчагич торозилар.

Бу мисраларда шоир “ҳиммат ўлчагич торозилар” дер экан, аввало, тарозини кўчма маънода қўллайди. Бу ифода ҳам маънавий ҳаётимизга дахлдордир.

Жамол Камолнинг “Яна кўнглимда ул ой” номли арузий тўпламидан бир қатор ғазаллар ўрин олган. Шоир ғазалларининг аксарияти мумтоз

адабиёт анъанасига кўра муҳаббат мавзуидадир. Айни чоқда Ватан, истиқлол мавзуидаги шеърлар ҳам бор.

“Муҳаббат не ўзи, деб сўрмагил” ғазали ҳазаж мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) вазнида битилган.

Муҳаббат не ўзи, деб сўрмагил

Жисмингга жондир бу,

Яна ҳижрон надир, деб сўрмаким,

Оху фиғондир бу.

Шоир ишқни жисм аро жон деб таърифламоқда. Зеро, муҳаббатнинг айрилиқ, ҳижрон дамлари ҳам мавжуд. Шоир уни оху афғонга тенглаштирмоқда.

Шу тарзда шоир инсондаги энг бебаҳо туйғу – муҳаббатни равшан осмонга, арғувонга, кумри, булбул сайрагувчи ошиёнга, чашмаи оби равонга киёс этади. Бу ташбеҳлар айни замонда шеърдаги қофияни – оҳангдошликни таъминлашга хизмат қилган.

Шоирнинг “Ўландан сўр” ғазали Фузулийга назира сифатида битилган. Маълумки, Фузулийнинг ғазали “Шифои васл қадрин ташнаи бедор ўландин сўр” деб бошланади. Демак, ғазал ишқ ҳақидадир. Ж.Камол ҳам ғазал вазни, қофияси, радифи, оҳангини тўлиқ сақлаган ҳолда Ватан мавзусида ғазал ёзган:

Ватаннинг қадрини ғурбат элида

Хор ўландан сўр.

Бу гулшан сеҳрини бир термулишга

Зор ўландан сўр.²

Юқоридаги сатрларда Ватан қадри ҳақида фикр юритилмоқда. Бинобарин, ватаннинг қадрини ғурбатда, юртдан йироқда бўлган киши аниқ хис қилади. “Гулшан” – ватанни ифода этмоқда. Ватан шундай туйғуки, унинг сеҳри ҳар қандай инсонни ўзига тортади.

Ғанимлар илкида Турон замин

Чеккан аламларни

Жаҳонда ҳақ ҳуқуқи бир йўла

Инкор ўландан сўр.(178)

Бунда шоир Ватан тарихига назар ташлайди. Бинобарин, Турон замин ўз бошидан жуда кўп жангу жадалларни кечирган.

Шукур, юз очди истиқлол,

Бўйиндан тушди занжирлар.

Бу толени ҳамиша боши узра

Дор ўландан сўр.

Юқоридаги сатрларда Ватан истиқлолидан шукроналик, истиқболга ишонч руҳи ёлқинланиб турибди. Ғазал ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) вазнида ёзилган.

Сирожиддин Саййиднинг ғазалчиликдаги изланишлари алоҳида эътиборга молик. Унинг турли мавзуларда ёзилган “Икки дил ғазали”, “Муҳаббат кошонаси” , “То Навоий бор”, “Аёл манзумаси”, “Ойбек”, “Илинж” каби ғазаллари шулар жумласидандир. “Илинж” шеъри Ватанга муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган:

Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,

²Жамол Камол. Яна кўнглимда ул ой. –Тошкент: “Meqiyus”, 2010, 178-б.

Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.

Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,

Айтиб ўтсам дейман кўхна дардларингдан.³

Адабиётшунос Н.Раҳимжонов бу шеър ҳақида ёзади: “Шоир ижодий индивидуаллигининг ўзига хослиги шундаки, ҳаётимиздаги шундай ҳодисаларни, одамлар аро муносабат кўринишларини танлаб оладик, у шоир қалбида катта бир илҳом алангасини ёқади. Шоирнинг бадиий талқини, ижтимоий-эстетик умумлашма фикрлари самарасида воқеликнинг ана шу митти бўлаги миллат ва Ватан тақдирига дахлдор моҳияти намоён бўлади”.⁴ Бинобарин, С.Сайид сатрлари тонгда эсанг насим – шамол янглиғ қалбларга гўзал туйғулар, шаббода мисол фикр-ўйлар олиб киради. Ундаги поэтик деталлар: гард, насим, сас, хас, барг, чироқ, булоқ кабилар лирик қаҳрамоннинг она юртга муҳаббатини ифодалашга хизмат қилган.

Адабиётшунос Нурбой Абдулҳаким шоирнинг Ватан ҳақидаги ўтли мисраларини таҳлил қила туриб, “Илинж” шеърига алоҳида тўхталади: “Сирожиддин Сайид – дардли шоир. Унинг зоҳиран қувончли ҳолатларнинг гўзал поэтик ифодаи берилгандек кўринган мисралари замирида ҳам элнинг, юртнинг ғамида яшаётган кўнгил изтироблари силқиб туради. “Айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш” бўлган Ватан ҳақида “кўзида ёш, юзида ёш” билан ёзишининг сабаби шунда”.⁵

Сирожиддин Сайиднинг “Мир Алишер” шеъри ғазал каби а-а, б-а, д-а, г-а шаклида қофияланган. Шоир улуғ Навоийга бўлган муҳаббатини ўтли сатрларда ифода этади:

Тирикликнинг бонги Навоий,

Буюкликнинг ранги Навоий.

³Сирожиддин Сайид. Қалдирғочларга бер айвонларингни. –Тошкент: “Шарқ”, 2005, 32-б.

⁴Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. –Тошкент: “Фан”, 2007, 153-б.

⁵Абдулҳаким Нурбой. “Оламда энг оғир –сўзнинг йўлидир”// “ЎзАС”, 2005 йил, 1 сентябрь.

Бир ёришди зим-зиё олам,
Туркийларнинг тонги Навоий,
Беш асрлик рўёдир дунё,
Беш асрлик ўнги Навоий.⁶

Эътибор берилса, шеърнинг ҳар бир мисрасида Навоийнинг буюклиги очиб берилган. Навоийга нисбатан ишлатилган сифатлашлар ниҳоятда оҳорли. Бинобарин, Навоий тирикликнинг, ҳаётнинг овозидир. Навоийнинг дунёга келганлиги зим-зиё оламнинг ёришганлигидир. Агар табиат, ҳаёт туну кундуздан, тонгу шомлардан иборат бўлса, Навоий ўзбекнинг тонгидир. Зеро, тонг ёруғлик рамзи, янги ҳаётнинг бошланишини ифода этади. Агар дунё беш асрлик рўёдан - ёлғондан иборат бўлса, уни ростга, ўннга айлантирган киши ҳам Навоийдир.

“Шоҳ Бобур” шеъри ғазал оҳанглирида битилган. Унда Бобурнинг изтиробли лаҳзалари акс этган:

Бунча ҳам оҳ тортдингиз, оҳ Бобур,
Муттаҳамлар дунёсида шоҳ Бобур...
Кеча узун, манзил олис, йўл узок.
Сизга фақат ёлғиз ой ҳамроҳ, Бобур
Нонкўр беклар, беоқибат мирзолар,
Кимлар сизга қазмадилар, чоҳ Бобур (15-б.)

Маълумки, Бобурнинг ҳаёти мураккаб даврда, жангу жадалларда кечган.

Дастлабки байтнинг биринчи мисрасида “оҳ” сўзи икки марта қўлланилган. Биринчисида - “оҳ тортдингиз” кўшма феъл таркибида Бобурнинг рухий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган бўлса, иккинчисида “оҳ” ундов сўз

⁶СаййидСирожиiddин. Дил фасли. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007, 121-б.

сифатида келган ва ўша рухий ҳолатнинг кучлироқ акс эттирилишини таъмин этган.

Кейинги байтда узун кеча, олис йўлда ойнанинг ҳамроҳлик қилиши Бобурнинг шоирлигини ифода этади. Бобурга садоқат ва хиёнат оралиғида умр кечирган. С.Сайид учинчи байтда ана шу воқеликка ишора қилиб, нонкўр беклар, беоқибат мирзоларнинг Бобурга бир умр чоҳ қазганлигини тасвирлайди.

Шеърни ўқиш давомида С.Сайиднинг шоҳ ва шоир Бобур руҳиятидаги ўзгаришларни теран ифода этганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу тарзда “шоирлиги шоҳлигидан улуғ, шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ” Заҳириддин Бобурнинг лирик сиймосини бадиий гавдалантиради.

“Ойбек” шеъри ҳам айнан шу услубда яратилган. “Шоҳ Бобур” шеъридаги каби (“Бобур” сўзи радиф бўлиб келган) Ойбек ўзи ҳам мисралар оша радиф вазифасини бажарган. Бинобарин, радифнинг бадиий вазифасидан келиб чиқилса, ушбу сўзга шоирнинг қандай мазмун юклаганлиги ойдинлашади.

Ўзича тушмаган осмондан Ойбек,

Яралмиш меҳр ила армондан Ойбек (17-б.)

Ғазал вазни ва шаклида битилган бу сатрлар матлаъдир. Ушбу шеър арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилган.

Агарчи давр уни тилдан аюрди,

Вале айрилмади иймондан Ойбек.

Маълумки, Ойбек ўтган асрнинг 50-йилларида қатор қарама-қаршиликларга дуч келган. Натижада у хасталанган. Шоир айтганидай, давр уни тилдан айирган. Лекин Ойбек ўз эътиқодида мустаҳкам турган.

Ҳасад ғавғосию миннат жафоси

Не кўрди ул бузуғ даврондин Ойбек.

Ойбек яшаган давр деярли собиқ тузумга тўғри келади. Барча даврларда ҳам ёрқин истеъдодларга ҳасад кўзи билан қаралган. Кўкларга кўтарилган собиқ тузумда Ойбекка ўхшаган юксак иқтидор соҳибларининг ҳаёти бир теки, иллик кечмаган. Шу боис шоир “бузуғ даврон” Ойбек бошига кўп кўргуликлар солганлигини қаламга олади.

Умуман олганда, истиқлол даври ўзбек шеърлятида ғазал етакчи жанрлардан бирига айланди. Э.Воҳидов, Ж.Камол, С.Саййид сингари таниқли шоирлар мазкур жанр имкониятларидан фойдаланиб, жозибали поэтик манзаралар яратишга эришдилар. Юқоридаги таҳлилларда кузатилганидек, бу даврда яратилган ғазалларга хос муштарак жиҳат – уларнинг, асосан, мумтоз адабиётда кенг тарқалган арузнинг рамал ва ҳазаж баҳрларида яратилганлигидир.

Мухаммасжанридаги шеърлар

Маълумки, мухаммас мумтоз адабиётда кенг тарқалган лирик жанрлардан бири бўлиб, у икки хил бўлади: мустақил мухаммаслар ва тахмисмухаммаслар. Э.Воҳидов, Ж.Камол мухаммаслари орасида ҳар иккала хили ҳам мавжуд. Э.Воҳидовнинг “Ажаб эрмас” мухаммаси завқиёна услубда битилган:

Бу кунлар катта йўлда

Бир довон ўлса ажаб эрмас,

Муқаррар ортида йўл

Кенг, равон бўлса ажаб эрмас,

Ватанга сидқу имон,

Имтиҳон бўлса ажаб эрмас,

Фаровон юрту олам,

Тинч жаҳон бўлса ажаб эрмас,

Биз этган барча орзулар

Аён ўлса ажаб эрмас.

Маълумки, Завқийнинг “Ажаб эрмас” номли машҳур мухаммаси янги тузумни орзу қилган халқни орзуларини ифода этиши билан эътиборни тортади. Сабаби, шоир кўплар қатори Октябрь тўнтаришига катта умид боғлаган. Шу боис у келажакка ишонч руҳи билан қараб, умидли сатрлар битган. Э.Воҳидов мухаммаси эса истиқлол кунларида битилган. Мухаммас истиқлолга шукроналик ҳислари билан тўлиб-тошган. Бинобарин, катта йўл мустақиллик йўли. Унга эришиш довлари бисёр. Шоир истиқлолга катта умид боғлайли ва унинг йўли кенг, равон бўлишини истайди.

Сен эй, сен она юртим,

Кўхнаю ёш Ўзбекистоним,

Ҳамиша сен ўзингсан

Боиси ашъор-у достоним,

Ғурурим, номусим, шодлик, ғамим,

Обод-у пайҳоним

Кўтар бошингни мағрур,

Ҳақлисан, шавкатли дехқоним,

Бошингда шиша янглиғ

Осмон бўлса ажаб эрмас.

Кейинги сатрлар Ватан таърифига уланиб кетади. Шоир “Кўхнаю ёш Ўзбекистоним” дер экан, Ватаннинг кечаси ва бугунини назарда тутаяди. Зеро, ёш Ўзбекистон унинг мустақил бўлганига ишорадир. Э.Воҳидов мустақиллик туфайли, осмонинг шиша янглиғ мусаффо бўлишини чин дилдан орзу этади.

Шоир мухаммасни ниҳоятда кўтаринки руҳда якунлайди:

(Ки Завқий орзу этган

Замон бўлса ажаб эрмас)

Етиб етмишга Эркин

Навқирон ўлса ажаб эрмас.

Ҳақиқатан, Завқий умидбахш сатрларни битганида ўз юртини озод, эркин кўришни истагани аниқ. Шоир шуни назарда тутди ва халқимизнинг минг йиллик орзуси амалга ошганидлан қувониб, етмишга кирган эса-да, ўзини навқирон ҳис этади.

Жамол Камолнинг “Файзулла Хўжаев кўзлари” номли шеъри мустақил мухаммасга мансуб:

Ажаб бир суврате, дўстлар, боқиб мен ҳар сафар дилсўз,

Ажаб бир чакнаган сиймо, ажаб бир порлаган юлдуз,

Бу кўзлар бунчалар шахло, бу кўзлар мунчалар маъюс,

Бу кўзлар айласа ҳар неки ошқору ниҳон айлар,

Бу кўзлар имтиҳон айлар, бу кўзлар имтиҳон айлар.⁷

Файзулла Хўжаевга нисбатан ишлатилган “чакнаган сиймо”, “порлаган юлдуз” сингари ташбеҳлар оҳорли. Улар тарихий шахс ташқи қиёфаси ва ботиний оламига хос жиҳатларни ўзида намоён этади. Муҳаммас анъанавий тарзда: б-б-б-а-а, в-в-в-а-а, г-г-г-а-а ва ҳоказо тарзида қофияланган.

Жамол Камолнинг иккинчи гуруҳ мухаммаслари Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб ғазалларига боғланган бўлиб, тахмис мухаммаслардир.

⁷Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент: “Meriyus”, 2010, 89-б.(Кейинги парчалар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади).

Бу жиҳатдан Навоий ғазалига боғланган мухаммас эътиборли:

Йўқ, чақиндин эрмас ул, осмон қизил, сориг, яшил,

Ё шафақдин ҳар тараф рахшон қизил, сориг, яшил,

Ё чаманда лолаю райҳон қизил, сориг, яшил,

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,

Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.(90)

Шоир агар мустақил мухаммасларида анъанавий қофияланиш шаклини бироз ўзгартирган бўлса, тахмис мухаммасда анъанавийликни тўла сақлаган. Яъни а-а-а-а-а, б-б-б-а-а, в-в-в-а-а тарзида қофияланганлиги кузатилади. Ишқий мазмундаги мазкур мухаммасда маъшуқа, унинг ташқи гўзаллиги таъриф этилган.

С.Сайид мухаммаслари бу жиҳатдан иккинчи руҳга мансуб. Шоир Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Зокиржон Фурқат ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Бинобарин, Алишер Навоийнинг “Зулфунг очилиб орази дилжў била ўйнар” деб бошланувчи ғазалига шоир қуйидагича тахмис боғлаган:

Кўнглим очилиб, ўйлаки орзу била ўйнар.

Кўрганда юзинг, орзуси қайғу била ўйнар,

Қайғуси яна завқ ила туйғу била ўйнар.

Зулфунг очилиб орази дилжў била ўйнар,

Ҳинду бачае шўхтурур у била ўйнар.

Эътибор қилинса, шоир мухаммас боғлаш қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда сатрлар битган. Яъни ғазал байти устига келтирилган мисралар мазмун ва шакл жиҳатидан Навоий байтларига ҳамоҳанглик қилади. Биринчидан, ғазалнинг дастлабки байти ўзаро қофияланган бўлади. Шоир қўшилган уч

мисрани шунга мослаштирган. Иккинчидан, Навоийнинг ғазали рамал баҳрида ёзилган. Шоир вазни ҳам сақлаган.

Шеърнинг кейинги бандини кузатамиз:

Кечдим шу замон қолган умр, бори ҳавасдин,
Жон куйди-ю, фарқ қолмади дил бирла нафасдин,
Кўнглим отилиб, ишвасидин, чиқа қафасдин,
Ул шўх кўнгил лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур, алқиссаки кўзгу била ўйнар.

Маълумки, ғазалнинг кейинги байтларида жуфт мисралар ўзаро қофияланади. Мухаммас қофияланишида ҳам кейин бандларда дастлабки тўрт мисра қофияланади, бешинчи мисра эса биринчи бандга оҳангдош бўлиб келади. Демак, шу тарзда ҳавасдин, нафасдин, қафасдин, нафасдин сўзлари оҳангдошликни вужудга келтирган.

Кўринадикки, С.Сайид Навоий ғазалининг ҳар бир байти вазни ва мазмунига мос мухаммас боғлай олган.

Шоирнинг Бобурнинг “Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур” деб бошланадиган ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам мазмуний ва шаклий мукамалликка эга:

Булут эрмас, кўк узра тарқаган кўнгил гумонидур,
Гумон қилмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур.
Кўқарган хор ила хаслар тирикликнинг нишонидур,
Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур.
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Юқорида таъкидланганидай, дастлабки банд ўзаро қофияланган. Бобур ғазали ҳазажи мусаммани солимда ёзилган. Демак, шоир мухаммас боғлашда вазни сақлаган.

Умуман олганда, истиқлол йилларида шоирларимиз мумтоз адабиётнинг фаол жанрларидан бири мухаммас жанрида самарали ижод қилдилар. Бу мухаммасларда замондошларимизнинг ўй-кечинмалари, мустақиллик нашидалари акс этганлиги кузатилади.

Маснавий шаклидан фойдаланиш

Маснавий мумтоз адабиётда кенг қўлланган жанрлардан биридир. Маълумки, маснавийдаги байтлар ўзаро а-а, б-б, в-в, г-г ва ҳоказо тарзида қофияланади. Бу шакл мумтоз адабиётда йирик ҳажмали дostonлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

Истиқлол даврида маснавийда шеърлар битиш ва унинг қофияланиш шаклидан фойдаланиш давр шеърлятида сезиларли жараёнга айланди. Буни Э.Воҳидов, С.Саййид каби шоирлар ижодида ёрқин кузатиш мумкин.

Э.Воҳидовнинг “Ўзбекистон боғларига қайтиб келди булбуллар” шеъри бу жиҳатдан аҳамиятли:

Бугун саҳар булбулларнинг чаҳ-чаҳидан уйғондим.

Шоҳимардон тоғларида бир яйрадим, қувондим.

Бир-бирига навбат бермай кўшиқ айтди булбуллар,

Шукур бўлсин, боғларимга яна қайтди булбуллар.

Шоир неча замонлардан бери ўлкаси булбуллардан айру ҳоллигини ёзар экан, кейинги мисраларда унинг сабабини очиб беради.

Томигача пахта эккан элда нетар булбуллар,

Осмонидан захар ёққан юртни нетар булбуллар!

Чаманзорлар шудгор бўлса, булбул қандоқ яйрасин,

Эрк қушчаси эрк йўқ жойда қандоқ қилиб сайрасин.

Булбул тимсолида истиқлол амалга ошганини ифода этади.

Мана бу кун боғларимга қайтиб келди булбуллар,

Хур Ватанга хур қўшиқ айтиб кетди булбуллар.

Булбул образи ўз табиий маъносидан ташқари, рамзий маънога эга.

Мазкур шеърда булбул истиқлол, эзгулик, гўзалликдир. Демак, истиқлол юртга эркинлик, эзгулик, гўзаллик олиб келди. Шундан шоир:

Мен ҳам энди қаламимни шеърлар учун чархлайин,

Бу сеҳрли таронани ғазалларга шарҳлайин, -

дейди. Шоир булбулнинг завққа тўлиб сайрашини, яъни истиқлолнинг мустаҳкам бўлишини истайди.

Эътибор берилса, юқоридаги сатрларда маснавийнинг қофияланиш шакли тўла сақланган. Яъни “элда”, “юртда”; “яйрасин”, “сайрасин”; “қайтиб келди”, “айтиб келди”; “чархлайин”, “шарҳлайин” каби ўзаро оҳангдош сўзлар шеър таъсирчанлигини оширишдан ташқари ғоявий-бадий мазмунни ўзига хос изчилликка ифодалашга кўмак берган.

А.Ориповнинг “Ҳолбуки” маснавийси мазмунан Э.Воҳидовнинг юқоридаги шеърига ҳамоҳангдир:

Ўт кетсин у қора кунга – бировларга қул бўлдингиз,

Шарку Ғарбнинг ўртасида оёқ ости бўлдингиз.

Шоир бунда истиқлол кунларидан туриб Ватан тарихига назар ташлайди.

Минг-минг шукур, замон келиб истиқболга эришдингиз,

Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдингиз.

Бунда “хароб бўлган хонадон” – Ватан. Шоир айтмоқчи, истиқлол туфайли уни бутлашга киришилди, демоқчи бўлади шоир.

Туркистоннинг боғларида булбуллари бор, ҳолбуки,

Хор бўлса ҳам, тоғдай баланд кўнгиллари бор, ҳолбуки.

Бинобарин, булбул образи бунда истиқлол элчиси сифатида намоён бўлган.

А.Орипов поэтик фикр изчиллигини таъминлашда маснавий имкониятларидан самарали фойдаланган.

С.Сайид Шоирнинг “Муҳаббат кошонаси” шеъри маснавий шаклида битилган:

Муҳаббатни ташлаб кетманг боғларга,

Эрмак бўлар, хор бўлар у зоғларга.

Азал гўзал нишонаси бир гулдир.

Муҳаббатнинг кошонаси кўнгилдир.(90-б.)

Боғ турли мевалару дарахтлар, гуллари райҳонлар, турфа қушларга макон бўлган жойдир. Унда булбуллар билан бирга зоғлар ҳам яшайди. Шоирнинг фикрича, муҳаббатни боғга бир ўзини ташлаб кетиб бўлмайди. Маълумки, кўнгил қўйган кишига дастлаб гул тухфа қилинади. Учинчи мисрада шоир “азал гўзал нишонаси бир гулдир” дер экан, шунга ишора қилади. Муҳаббат, кўнгилда, қалбда маскан тутаяди.

Кўнгил шу деб кўз очур ҳам кўз юмур.

Бутун умр, бори умр, бир умр.

Ошиқона қалб муҳаббат деб “кўз очур ҳам кўз юмур”. Демак, инсон бутун умри давомида шу туйғуга ошуфта яшайди.

“Севги” шеърида муҳаббатга ташбеҳлар берилган:

Севги менинг кечмишимдир, бугунимдир,

Оловимдир, кулимдир ҳам кукунимдир.

Бу йўлларда охир бир кун тўкилгумдир,

Севги менинг кўнглимдаги тугунимдир.⁸

Лирик қаҳрамон севгини кечмиш ва бугун деб ҳисоблайди. Тўғри, шеъриятда тафтли муҳаббат оловга қиёс этилади. Бироқ олов ҳам ҳамиша гуриллаб турмайди. У чўғга, кулга, кукунга айланади. Шоир ана шу мантиқдан келиб чиқиб, муҳаббат шуларнинг барчасида акс этишини ҳис этади. Айни замон уни кўнгилдаги тугунга қиёс этади. Шу тарзда сатрдан-сатрга, банддан-бандга ўтгани сайин поэтик фикр ривожланиб бораверади. Шоир муҳаббатни табиатдаги энг гўзал нарсаларга: мажнунтол, шовуллаган терак, қумга сингиб кетган тиниқ жилға, найсон ювган кўйлақка менгзайди:

Қумга сингиб кетган тиниқ жилғам менинг,

Қумда лола унса агар илғанг мени,

Севги найсон ювиб кетган кўйлагимдир,

Ўлгунимча ўйлагумдир, ўйлагумдир. (130-б.)

Ушбу сатрлар жуда мазмунга бой. Шоир муҳаббатни “қумга сингиб кетган тиниқ жилғам”, демоқда. Агар ўша қумда лола унса, демак, муҳаббат яшамоқда. Найсон – бу баҳор ёмғири. Баҳор – ёшлик, муҳаббат фасли. Ошиқ маъшуқасини

⁸Сайид Сирожиiddин. Ватан абадий. – Тошкент: “Шарк”, 2001, 130-б.

найсон ёмғирида кўйлаги хўл бўлиб кетса ҳам кутади. Энг муҳими, уни ўйлашдан тўхтамайди.

С.Сайиднинг “Тириктепа”, “Шукух”, “Ноумид одамнинг дафтарига”... каби шеърлар маснавий шаклида битилган. Шоир мумтоз адабиётимизда анъанавийлашган маснавий шаклининг қофияланиш тартибидан фойдаланиб, поэтик фикрни юксак бадиий шаклда ифодалашга эришган.

Қай бир ошиқ дилдан эпкин елдими?

“Онажон, билмадим, Наврўз келдими?”

Ёруғ ниятларнинг амалиму бу?

Ёки тирикликнинг самариму бу?

Кўзимга кўз суртар малоҳат тенгсиз,

Онажон, бу олам бунчалар чексиз!

Наврўз ҳақидаги бу шеър бошдан-оёқ маснавий каби қофияланган. Дастлабки тўрт сатр тажохули ориф билан зийнатланган. Шоир Наврўз ташрифини ошиқ дилдан эпкин елишига қиёс этади. Шоир риторик сўроқлари орқали ўз фикрларининг тасдиғини ифода этади. Яъни Наврўзнинг кириб келиши ёруғ ниятларнинг амалга ошиши, тириклик самарасидан далолат беришини мана шундай очиб беради.

Тилагим гул бўлар қаерлардадир,

Юрагим бу кунлар сайрлардадир.

Юқоридаги сатрларда поэтик фикр тарсеъ санъати орқали ифода этилган. Юрагим-тилагим, гул-бу, бўлар-кунлар, қаерлардадир-сайрлардадир сўзлари ўзаро параллел равишда оҳангдошлик ҳосил қилган. Натижада шоирнинг наврўзона кайфияти таъсирчан акс эттирилган гўзал манзара вужудга келган.

Армон чеккан олам ҳам ақлан, ҳам маънан етук шахс ҳисобланади. Негаки, ўз қилмишларини тарозига солиб, мушоҳада қиладиган, баъзи ишларидан надомат чекадиган киши армон чекади. С.Саййиднинг навбатдаги маснавийсидаги лирик қаҳрамон шундай шахс:

Ёшлик эди, бир ўзимни ўйлаб юрдим.

Ўз онамнинг сочларини оқартирдим.

Деворларни тирнаганда барги хазон,

Нечун жисмим зиркирайди ўша замон? –

дейди “Умр аста айланаркан азиятга” деб бошланадиган шеърда. Ўз қилмишини ўйлаш, онасига озор берганидан пушаймонлик, ундан руҳий эзилиш ҳам Шарқ халқларига хосдир. Чунки баргнинг хазон бўлиши умрнинг тугашидир. Унинг узилган деворларни тирнашидир. Бу ерда барг қисмати инсон ҳаётига ишорадир. Инсоннинг ҳаётдан кетиши шоирнинг қалбини зиркиратади.

Кўнгил, кўнгил, қай йўлларга тўкилдим мен?

Сени охир ўз майлимга қул қилдим мен.

Демак, кўнгилни ҳавои нафс ўз тўрига туширган. Бу ҳол инсонни табиий интизомдан чиқаради, истаклар орасидаги тенглик бузилади. Ҳавои нафс устун чиқиб, бошқаларни четга суради. Иродаси заиф, билими оз одам ҳавои нафсга берилади.

Кўнгилни майлларга бўйсундирган шоир ўзининг қай аҳволга тушганини шундай ёзади:

Тутган янглиғ хору хаснинг уволлари

Жон сўрайди мендан кузак шамоллари.

Лек мен ўзим қай ҳола ва қайдадирман?

Адирларда қолиб кетган чайладирман.

Бундан тегишли хулоса чиқариш инсоннинг маънавий дунёсини бойитади.. қадамни билиб босишга ундайди.

Кўринадики, давр шеъриятида шоирларимиз маснавий жанридан кенг истифода этишган. Шу тарзда давр шеърияти жанрий жиҳатдан турлитуманликка эришди.

Рубойларда анъанавийлик

Шарқ сўз санъатининг етакчи жанрларидан бири бўлган рубойий ҳам кўп асрлик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтиш жараёнида шаклан мукамаллашиб, мазмунан бойиб борди. Одатда, у ёки бу адабий жанрнинг тараққиётини муайян даврлар билан боғлашади. Жумладан, XI-XII асрларда қасида, XIY асрда ғазал ривожланган. Рубойий эса барча асрларда фаол жанрлардан бири бўлган.

XX асрда рубойинавислик анъанаси тўхтамаган бўлса-да, бу борада сезиларли муваффақиятга эришилган эмас. Қатор шоирлар бу жанрда ижод қилдилар. Ўзбек адабиётида Э.Воҳидов ғазалга янги ҳаёт бағишлагани маълум. Бироқ рубойий тараққиёти бўйича бу фикрни айтиш қийин. Фақат истиқлол йилларида Жамол Камол рубойийда самарали ижод қилди. Адабиётшунос Э.Очилов бу ҳақда шундай ёзади: “Истиқлол йилларида Жамол Камол 101 та анъанавий вазндаги рубойийсини эълон қилди”.⁹ Шу маънода Жамол Камолнинг рубойий жанридаги ижодий изланишлари алоҳида эътирофга сазовор. У – рубойийлар таржимони. У.Хайём, Ибн Сино каби улуғ рубойинависларнинг асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Муваффақиятли кечган таржима жараёни Ж.Камолни рубойийлар ёзишга ундади. Улуғ салафларга эргашган шоир мумтоз рубойийчилик анъаналарини ҳам шеърий шакл, ҳам вазн, ҳам мазмунда давом эттирди. Натижада улардан қолишмайдиган даражадаги жозибали рубойийлар гулдастаси бунёдга келди.

Бу ҳақда шоир ёзади:

⁹Очилов Э. Рубойий жанрининг тарихий тараққиёти \ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2006, 4-сон, 38-б.

Эй пир, кўлингни чўз, кўлимдан тутгил,
Қайтар мени, йўлга сол, йўлимдан тутгил,
Ҳайбат била бошла жонни ҳайрат кўйига,
Бер менга ҳаёти жом, ўлимдан тутгил.

Яъни рубоийда Оллоҳга мурожаат мазмуни етакчилик қилса ҳам, шоир шеъриятда пир бўлган Умар Хайём, Ибн Сино, Жалолиддин Румий каби мумтозлардан мадад сўраган.

Шоир ижодини кузатадиган бўлсак, улар орасида ахлоқий фалсафий ва ишқий мавзудаги рубоийлар мавжудлиги аёнлашади.

Бергил манга бир нафас Бухоро бўйидин,
Куйгил манга бир коса Бухоро суйидин.
Эй боғу чаманлар кўйида эрка сабо,
Келтир менга бир насим Бухоро кўйидин...¹⁰

Юқоридаги рубоий Ватан мавзудан баҳс этади. Рудакийнинг “Бўйи жўйи Мўлиён оят ҳаме” деб бошланувчи машҳур сатрларини ёдга солувчи бу сатрларда шоирнинг она шаҳар Бухорога чексиз муҳаббати уфуриб турибди. Унда “бўйидин”, “суйидин”, “кўйидин” сўзлари оҳангдош бўлиб, мисралар ўзаро а-а-б-а тарзида қофияланган ва хоса рубоийни вужудлга келтирган. Рубоий ҳазаж баҳрининг ахраб шажарасида (маф-у(в)-лу, ма-фо-и-лун, ма-фо-ий-лу, фа-ал) битилган.

Наврўзи жаҳон, жаҳонда боринг яхши,
Шабнамли, фараҳли лолазоринг яхши.
Хуш келдинг элимга карнай-у сурнай ила,

¹⁰Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Тошкент: “Meriyus”, 2010, 232-б.(Кейинги парчалар шу китобдан олинади ва қавс ичида бети кўрсатилади).

Чилдирма-ю тор ила дуторинг яхши. (235).

Рубоийда Наврӯз миллий байрами таъриф этилмоқда. Бинобарин, бу байрамни карнай, сурнай, чилдирма, тор, дутор наволарисиз тасаввур этиш қийин. Шу маънода чолғу асбоблари номлари байрам руҳини беришдан ташқари таносиб санъатини вужудга келтирган. Рубоий ҳазаж бахрининг ахраб (маф-у(в)-лу, ма-фо-и-лун, ма-фо-ий-лун, фа) вазнида ёзилган.

Эй гул, гулинг, тароватинг мунча тиниқ,

Боғ ичра ёниқ латофатинг мунча тиниқ.

Тонг қўйнида бир ҳовуч кумуш талъатсен.

Тонг юлдузи, тонгги талъатинг мунча тиниқ. (229)

Эътибор берилса, юқоридаги рубоий ишқий мавзуда яратилган. “Тароватинг”, “латофатинг”, “талъатинг” қофиядош сўзлар бўлиб, маъшуканинг таърифини ифода этмоқда. “Эй гул” истиора бўлиб, ёр, маҳбуба маъносини билдириб келяпти. Шоир севгили гўзални бир ҳовуч кумушга менгзайди.

Шоир рубоийлари орасида тарона кўриниши ҳам мавжуд:

Ишқинг, юрагинг эрса, Навоийни ўқи,

Иймон тирагинг эрса, Навоийни ўқи.

Ихлос керагинг эрса, Навоийни ўқи,

Ҳар не тилагинг эрса, Навоийни ўқи. (233).

Ахлоқий мавзудан баҳс этувчи бу рубоийда бугунги замондошимизни Навоийни ўқишга чорлов мазмуни мавжуд. Шеър а-а-а-а тарзида қофияланган.

Ёки:

Куч эрди, амал эрди, шитоб эрди Темур,

Оламга оламча хитоб эрди Темур.

Меҳнатли, машаққатли китоб эрди Темур,

Турон эли узра офтоб эрди Темур... (233)

Маълумки, Амир Темур ҳақида замонавий адабиётимизда кўплаб эпик ва лирик асарлар яратилган. Бироқ рубоий ёзилмаган эди. Йирик ҳажмли эпик ва лирик асарларда Темурнинг кенг кўламли бадиий сиймоси яратилган. Рубоийнинг ихчамлиги, сиқиклигидан келиб чиқилса, тўрт мисрада тарихий шахс характериға хос муҳим жиҳатлар: унинг жаҳоний шухрати, унга меҳнат ва машаққат билан эришганлиги ярақлаб кўзга ташланиб туради. Шу маънода “шитоб”, “хитоб”, “китоб”, “офтоб” сўзлари оҳангдош сўзлар бўлиб, Амир Темур характериғни ойдинлаштиришға хизмат қилган.

Кўринадики, юксак талант соҳиби Жамол Камол истиқлол йилларида рубоий жанрида самарали ижод қилди. Унинг рубоийларида ахлоқий-фалсафий мазмун теран ифода этилган. Шу маънода шоир рубоийлари давр шеъриятида муҳим саҳифани ташкил этади.

Садриддин Салим Бухорий Шарқ (туркий, араб, форс-тожик) адабиёти намуналаридан чуқур баҳраманд бўлган ижодкор эди. Шу боисдан ҳам у мумтоз сўз санъатининг асосий вазни бўлган арузни яхши билган ва ўрни билан мазкур тизим имкониятларидан фойдаланган. Мисол тариқасида ушбу ғазалдан бир байтни таҳлил доирасиға тортамыз:

Эй вужуд, тупроқсан-у, тупроқдан ибрат олмадинг,

Эй умр, япроқсан-у, япроқдан ибрат олмадинг

Маълум бўлаяптики, мазкур ғазал арузнинг рамали мусаммани мазкур тармоғида битилган. Ушбу арузий тармоқ, арузнинг бошқа ўлчовлариға караганда ўзбек тили фонетик тизимиға кўпроқ мос тушади. Худди шу сабаб Ҳазрат

А.Навоийнинг “Хазойи ул маоний” лирик куллиётидаги кўпчилик ғазаллар айнан шу вазн ўлчовида яратилган.

Ҳикматдир дунё” тўпламига киритилган бошқа бир ғазал эса рамал баҳридан кейин миллий мумтоз лирикасида кенг тарқалган “ҳазажи мусаммани солим” тармоғида яратилган:

Жаҳолатда / юрар эрдим / сўқир банда / мисоли, оқ,

Зулумотда / чақин этган / мухаббатдур / мухаббатдур.

Шоир ғазал жанрига умрини охири босқичига келиб кўпроқ мурожаат эта бошлаган. Бу эса ҳассос ижодкорларнинг маънавий – эстетик камолотига бир далилдир. Унинг ёшликданок мумтоз вазндан фойдалангани классик меъросга ўта ҳурмат билан караганидан яққол далолат беради.

Кўпчилик “Дурдоналар” тўпламига кирган шеърларни ўқиб, улар замонавий шеърятда кенг тарқалган тўртлик шаклида, вазн эса тўла – тўқис бармоқ тизимида хос деб ўйлайдилар. Аммо уларга диққат билан разм солинса, бир қанча лирик асарлар рубоий вазний тармоқларига мос келишини билиш мумкин. Масалан:

Менинг бору йўғимдан не нафъ, не зарар?

Менинг кулу чўғимдан сенга не нафъ, не зарар?

Тупроқ эдим, тупроққа айлангум бешак

Менинг қабру туғимдан сенга не нафъ не зарар?

Рубоий тармоқларида шеър битиш осон эмас. Шўро даври миллий лирикасида камроқ бўлса-да, ғазал, мухаммаслар яратилган, аммо рубоий жанрига деярли дахл этилмаган. Бу рубоийнинг “маън” этилганидан эмас, мумтоз адабиёт анъаларини

унутила бошлаганидан нишона эди. Садриддин Салим Бухорийдек асл истеъдод соҳибларини саъй-ҳаракати билан кўҳна бадий шаклнинг адабиётимизга қайтарилиши замонавий ва ўтмиш шеъриятлари орасида мустаҳкам ришталар юзага келаётганлигидан далолат бераяпти.

Умуман олганда, шоир С.С.Бухорий ўз лирик ижодида вазн масаласига доимо катта эътибор билан қараган ва миллат шеърият захирасидаги барча вазнлардан ўринли фойдаланишга эришилган.

Qaro zulfing qaro qildi

Qaro zulfing qaro qildi
Kunimni tunlarimdan ham,
Kuyuk ko'ngil isi kelgay
Tunim ham, kunlarimdan ham.

Falak toshi agar yillar
Un etsa ustixonimni,
Sening isming sado bergay
Unim ham, unlarimdan ham.

1993

Gulxanlig'ing aytsin

Mening aftoda holimni
Sening tavsanlig'ing aytsin.
Mening huznu xazonimni
Sening gulshanlig'ing aytsin.

Biyobonlarda qayslar ham
Bu yanglig' kuymagan erdi,
Mening kul bo'lganimni, lolaruh,
Gulxanlig'ing aytsin.

1989

[Yuqoriga qaytish](#)



Ey, parivashlar

Ey, parivashlar, dimog'dor keldingiz,
Buncha g'addor, buncha dildor keldingiz.
Bunda nozik tortadir jon rishtasi,
Siz dag'i kokillari dor keldingiz.

Ishq o'tidin beomonlig' bundadir,
Sarg'ayishlar ham xazonlig' bundadir,
Qanchalar rangi samonlig' bundadir,
Siz esa rangin va guldor keldingiz.

Jon bazm aylar hazing shamlar bilan,
Siz kelursiz g'am uza g'amlar bilan.
To'ldi dil yafrog'i shabnamlar bilan,
Siz qachon bundin xabardor keldingiz?

Jism aro paydodur o'tlug' alam,
Qo'lga olsam, butkul o't olg'ay qalam.
Ey baloyu g'am, ey ranju sitam,
Shul yigit yoshimda bekor keldingiz.

1991

[Yuqorigaqaytish](#)

ИНСОН

(Қасида)

Собиту сайёрада

Инсон ўзинг, инсон ўзинг.

Мулки олам ичра бир

Ҳоқон ўзинг, султон ўзинг.

Собит ўз маъвосида,
Сайёр **фазо** дунёсида,
Коинот саҳросида
Карвон ўзинг, сарбон ўзинг.
Шамс— дил тафтингдадур,
Сайёралар кафтингдадур,
Кенг жаҳон забтингдадур,
Боғбон ўзинг, посбон ўзинг.
Бу ёруғ дунё надур?
Кошонадур, вайронадур,
Сенга **меҳмонхона**дур,
Меҳмон ўзинг, мезбон ўзинг.
Бунда оқ бирла қаро,
Зулмат, зиё, шоҳу гадо,
Жанг қилурлар доимо,
Ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.
Сен бало, ҳам мубтало,
Хайр ила кин, росту риё,
Фитнагар оламаро
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.
Гоҳ адолат боғида,
Пири адоват гоҳида,
Ўз дилинг даргоҳида

Шайтон ўзинг, ғилмон ўзинг.

Хормисан ё гулмисан,

Тождормисан ё кулмисан,

Чуғзмисан, булбулмисан,

Нодон ўзинг, хушхон ўзинг.

Бу ҳаёт ўрмон экан,

Жон борки, қасди жон экан,

Бунда қатл осон экан,

Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг.

Бу ҳаёт уммон экан,

Уммон абад гардон экан,

Қатрадек сарсон экан,

Сарсон ўзинг, гардон ўзинг.

Машъали фикрат— сенинг,

Ҳам чангали ваҳшат сенинг,

Ғайрату ғафлат сенинг,

Жавлон ўзинг, урён ўзинг.

Қилдингу ойда хиром,

Ҳам ерда қон тўкдинг ҳаром,

Ушбу ҳолиндан мудом

Хандон ўзинг, гирён ўзинг.

Миндинг илм нарвониға,

Чиқдинг фунун осмониға,

Бу жаҳон айвонига
Аркон ўзинг, вайрон ўзинг.
Заррани ижод этиб,
Даҳшат бало бунёд этиб,
Оқибатни ёд этиб
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг.
Боғи арз обод эрур
Сендин агар имдод эрур,
Йўқса у барбод эрур,
Тўфон ўзинг, тўғон ўзинг.
Сен ҳилол, юлдуз, салиб,
Таврот, Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки ғариб,
Комрон ўзинг, яксон ўзинг.
Ким **фаранги**, ким ҳабаш,
Ирк, қон талаш, имон талаш,
Шулми инсондек яшаш,
Армон ўзинг, афғон ўзинг.
Мамлакатга мамлакат,
Миллатга миллат бўлса қасд,
Қилғувчи сўнг оқибат
Армон ўзинг, афғон ўзинг.
Онаизоринг— замин,

Танҳо йўғу боринг— замин,
Хаста беморинг— замин,
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг,
Бағрида ётқучи— сен,
Неъматларин тотқучи сен,
Тиғ бўлиб ботқучи— сен,
Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг.
Марсга тўп отқувчи— сен,
Зухрони уйғотқучи— сен,

Ҳассос шоир Эркин Воҳидов мумтоз шеърият анъаналарининг давомчиси сифатида яратган “Инсон” қасидасида ушбу жанр талабларини бажариш билан бир қаторда, бир қанча янгиликларни ҳам олиб кирди. Хусусан, ўзбек адабий тилига XIX аср охири XX аср бошларида кириб бир нечта сўзларни қўллаган бўлса-да, қасидани аруз вазни қоидаларига риоя этган ҳолда яратган. Масалан, қасидада “Марсга тўп отқувчи — сен” мисрасидаги сайёра номини англлатувчи *Марс* сўзи янги сўз саналади. Бундан илгарироқ ҳам шеъриятимизда ушбу сайёра номи англлатувчи сўз иштирок этган аруз вазни намуналарини учратишимиз мумкин. Фақат у мисолларда Марс шакли эмас, балки сайёра номи *Миррих* шаклида қўлланилган.

Уйқуда қотқучи— сен,
Уйғон ўзинг, уйғон ўзинг.
Келдинг оламга, демак,
Етмас уни сўрмак, емак,
Ерни этмоғинг керак
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг.

Сўзга ҳам поён бўлур,
Ёзсам яна девон бўлур.
Рустами достон бўлур,
Достон ўзинг, девон ўзинг.
Бўлмасин субҳинг қаро,
Бор бўл мудом борлиқ аро,
Ўзни этгил доимо
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Эй, сен Эркин, сен букун
Ёздинг дилингдан бир тугун,
Сен киму не даҳри дун,
Бийрон ўзинг, нодон ўзинг.
1973

ҚЎЛЛАР

(асида)

Танингда камтарин аъзо
Бу қўллардир, бу қўллардир,
Мудом меҳнат учун пайдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Жаҳонда токи бунёдсен
Ки, номи одамизодсен,
Юракдек тинмаган асло

Бу кўллардир, бу кўллардир.
Ҳаёт деб ердан узсанг ҳам,
Нажот деб кўкка чўзсанг ҳам,
Тириксан то сенга ошно
Бу кўллардир, бу кўллардир.
Замин бунёди бу кўллар,
Унинг барбоди бу кўллар.
Саодат ҳам буюк савдо
Бу кўллардир, бу кўллардир.
Ғазал бахш этган оламга,
Ажал келтирган одамга
Бу тигдир, бу гули раъно,
Бу кўллардир, бу кўллардир.
Севар ёрга гул узган ҳам,
Очиқ кафтини чўзган ҳам
Тилаб хайру закот танҳо,
Бу кўллардир, бу кўллардир.
Жаҳон даъвосини этган,
Жаҳондин лек очиқ кетган
Скандар илки бедаъво
Бу кўллардир, бу кўллардир.
Кулол айлантлар чархин,
Қаро лой санъат ўлгай чин,

Бужур, лек санъати зебо
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Тутибдур игна жонона,
Бўлибдур шеър сўзона,
Ўзи олтин, иши тилло
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Ажаб, нозик бу бармоқлар
Териб мисқол қилур тоғлар,
Жаҳонда энг буюк кимё
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Диёримбир сахий соқий,
Орол унга майи боқий,
Сиру мавжли Амударё
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Қўйиб нуқта қасидамга,
Боқарман тонгги оламга,
Қуёшдан шуълаларму ё
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Салом, офтоб, салом, дунё,
Салом, шеърим, сени танҳо
Юракмас айлаган иншо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

1975

БАҲОР МУСТАЗОДИ (“Ўзимга савол” деган мустазоди ҳам бор)

Гул фаслида соз олди яна

аҳли наволар,

куй бошлади ёна.

Не тонгки, гўзал бўлди жаҳон,

еру самолар,

ҳар тилда тарона.

Кўк бирла замин бир-бирига

ошиқу маъшук,

бир-бирга туташган,

Сочмоқда у борон ила

жонбахш зиёлар,

ичмоқда бу қона.

Зумрад далалар бағрига

ўт қўйди шафақгун

рақс этгувчи лола,

Ёндирганидек бизни пари

моҳи лиқолар,

ўт насли— жонона.

Гул бошин эгиб жилмаядир,

бахтли келинчак,

машшотаси— офтоб,

Булбул тилида нола надир,
завқли садолар,
бу— савти замона.
Мен ҳам қаламим қўлга олиб
ўй сурадирман,
ташбиҳ қидирурман,
Юрт шаънига ёзмоқ тилагим
ҳамду санолар
Шайху Ғафуроно.
Эй сен, Ватаним, менга ўзинг
битта жаҳонсан,
бир ўғлинг эрурман,
Жон борича кўнглимда сенга
сидку вафолар, —
сен менга ягона.
Мен неки ёзар бўлсам, ўзинг
боиси назмим,
мадҳим сенга доим,
Битдим яна, жоним, юрагим.
сенга наволар,
гул фасли баҳона.

1980

ПИЁЛА

Адабий канонлардаги тарангликнинг заифлашуви вазн билан бир каторда қофияда ҳам кузатилади. Шеършуносликда қофия ритми ҳосил қилувчи иккиламчи унсурлардан бири ҳисобланади. Қофиядаги ўзгаришлар вазн ўзгаришлари билан параллел ҳолда содир бўлди ва мумтоз поэтика талабларига риоя этишнинг заифлашганини ўзида акс эттирди.

Маълумки, мумтоз қофия назариясига кўра, қофияга қўйиладиган бош талаб – равийнинг мос келишидир. Чунки қофиянинг композицион маркази сифатида равий якка ҳолда ҳам оҳангдошлик ҳосил қилиши мумкин (муҷаррад қофия). Жаҳид қофиясида эса унча кенг кўламда бўлмаса-да, равийнинг мос келмаслиги ҳолати кузатилади. Биз албатта бу ерда «оч-муҳтож-яланғоч-қирмоч», «қараб-ган» (Сидқий-Хондайлиқий) типдаги қофияларни назарда тутмаймиз, чунки «ч» ва «ж», «б» ва «п» араб имлосида нуқталаридан қатъи назар бир хил график кўринишга эга () ва улар қофияда бир хил равий ҳисобланади. «Адабиётшунослик асослари»ни яратган проф. Т.Бобоев эса Алишер Навоий «Хамса»сидаги шу тип қофияларни (хуб-кўп, муҳтож-яланғоч) «тахминий қофия» сирасига киритади (қ.: 34, 305). Ваҳоланки, Шарқ мумтоз поэтикасида «тахминий қофия» хили мавжуд бўлмаганлиги, ўтмиш адабиётида қофия олдида қўйиладиган талаблар жуда қатъий бўлганлиги, Алишер Навоийдай адиб эса бу талабларни ўзи ҳам каму кўстсиз бажарганию, бошқа шоирлар ижодига ҳам шу принцип асосида ёндашганлиги маълум. Ҳатто ўтмиш шеъриятида ўзак ва қўшимчани қофия қилиш, турли сўз туркумларини қофия қилиш ҳолатлари ҳам сийрак. Равийнинг ўзгариши ҳодисаси адабиётнинг нисбатан кейинроқ босқичларига хос ҳодисадир.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Атоий ҳақида ёзатуриб, жумладан, шундай дейди: «Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида куб шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:
Ул санамким, сув қироқинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклигини сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди.
Қофия эҳтиёжига¹¹ муқайяд эмас эрди» (116, 63).

Маълумки, Алишер Навоий Атоий байтидаги қофияда равий мос келмаганлигини (ўлтур-бўл) кичик «айб»–нуқсон деб билади, аммо кейинроқдаги кайд («кўп туркона айтур эрди», «қофия эҳтиёжига муқайяд (қоидадон) эмас эрди») қофиянинг бу шакли «туркона» услуб учун характерли эканлигини, «туркона» услубга «қофия эҳтиёжига муқайяд» эмаслик хослигини тасдиқлайди. Демак, туркона услубга кўра қофия кўшимчалардаги оҳангдошликка ҳам асосланиши мумкин. Бундай оҳангдошликни Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби туркона услубда ёзувчи ижодкорларнинг асарларида, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарида учратиш мумкин.

¹¹Ушбу сўз биз кырсатган манбада «эштиётига» деб берилган.